Tibbiyotning oliy maqsadi – inson salomatligiga erishishdir

# O`zbekistonda sog`liqni saqlash
# Здравоохранение Узбекистана



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган ● www.uzssgzt.uz, info@uzssgzt.uz ● 2014 йил 21 февраль ● № 8 (977)

*Таҳлил ва хулоса*

## МАСЪУЛИЯТ ВА НАЗОРАТ — САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

***Бугунги кунда ҳар бир соҳадаги муваффақиятлар билан фахрлансак арзийди. Президентимизнинг одилона сиёсати боис, босқичма-босқич амалга оширилаётган ислоҳотлар ўз самарасини бераётганлиги қувонарли ҳолдир. Таълим-тарбия, соғлиқни сақлаш тизими, ижтимоий-иқтисодий, наинки барча йўналишларда эришилаётган ютуқлар – бу аҳолининг саломатлиги ва турмуш фаровонлигига қаратилганлиги жамиятимиз тараққиёти кундан-кунга равнақ топиб бораётганидан далолатдир. Жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимида ҳам яратилаётган шароит ва имкониятлар аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.***

Айниқса, давлатимизнинг бирламчи тизимга қаратаётган эътибор ва ғамхўрлиги халқимиз орасида касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш ва инсон саломатлигига бўлган эътиборни оширишдан иборат экан, айни кунда мамлакатимизда 3201 та қишлоқ врачлик пункти халқимизга тиббий хизмат кўрсатиб келмоқда. Айтиш жоизки, бу тизим ўз фаолиятини кеча ёки бугун бошлагани йўқ. Юртимизда мустақилликка эришилгандан буён бу борадаги ишлар дадиллик билан бошланиб, изчиллик билан давом эттирилмоқда. Мазкур йўналишда замон талаблари даражасида қад кўтарган ва қайта реконструкция қилинган бирламчи тизим иншоотлари, шунингдек, соҳа мутахассисларининг узлуксиз таълим жараёнида малака оширишлари ҳамда янги технологиялар билан жиҳозланиш даражаси ривожланган давлатлар тиббиётидан қолишмаслигига барчамиз гувоҳмиз. Демак, бирламчи бўғинда эришаётган ютуқларимиз қаторида камчилик ва муаммолар мавжудлигини ҳам инкор этмаслигимиз керак. Аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматда соҳа мутахассисларининг масъулияти, шифо масканларидаги шароит ва имкониятлар, тиббий асбоб-ускуналардан оқилона фойдаланиш, халқимиз орасида соғлом турмуш тарзи тарғиботи қай даражада олиб борилаётганлиги ҳар биримизни қизиқтириши табиий. Юқорида тилга олганимиздек, оилавий поликлиника, қишлоқ врачлик пунктларида олиб борилаётган ишлар масъулияти ва назорати қай даражада кечаяпти? Юртбошимизнинг соҳага оид чиқараётган қарор ва фармонлари, Соғлиқни сақлаш вазирлиги буйруқлари ижроси қандай бажарилаяпти? Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликларининг текширув натижаларидан келиб чиқиб, бирламчи тиббий-санитария ёрдами тизими фаолиятини, айниқса профилактика йўналишидаги тадбирларни такомиллаштириш, ҳудудларнинг санитария барқарорлигини таъминлаш, аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни тарбиялаш масалалари юзасидан амалга оширилаётган ишларнинг сифат ва самарадорлигини ошириш мақсадида мазкур йўналишда тизим фаолиятини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида қандай ишлар амалга оширилаётганлиги хусусида **Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдамини ташкиллаштириш Бош бошқармаси мутахассиси Барно Одилова** қуйидаги фикрларни билдирди.

– **Барно Турсуновна, жорий йил бошида қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини зарур даражада тартибга солиш ва такомиллаштириш, шу жумладан врачлар юкламасининг янги нормативларини тасдиқлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларни амалиётга татбиқ этиш ва доимий назоратини олиб бориш бўйича амалга оширилаётган чора-тадбирлар тўғрисида тўхталсангиз.**

– Бирламчи тизимда самарали натижаларга эришаётганлигимиз кенг жамоатчилик томонидан эътироф этилмоқда. Бирламчи бўғин фаолиятининг асосий мақсади, аввало инсон саломатлигини муҳофаза қилиш экан, шифокорлар профилактик тадбирлар ташкил қилиши керак. Эмлаш, антенатал кўрик, диспансер назорати, болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги, чуқурлаштирилган тиббий кўрик, исталмаган ҳомиладорлик, юқумли ва юқумсиз касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш

**(Давоми 2-бетда).**

*2014 йил – Соғлом бола йили*

## ТИББИЙ МАСЛАҲАТ ВА ДИАГНОСТИКА

*комплекс тарзда ташкил этилади*



**Марказдан кун бґйи келиб-кетувчилар аримайди. Бир ёшгача бґлган гґдаги, 3-5 ёшдаги ґIли ёки iзалоIи, 10-15 ёш оралиIидаги ґсмир фарзанди билан бу ерга мурожаат этаётган оналарни шифокор ва µамширалар илиi iарши олишади. Табиийки, дилбанди соIлом бґлишини µар бир она истайди. Аммо турли µаётий тасодифлар, оилавий муаммо µамда ички ва ташiи хавф натижасида бола бирор дардга чалиниб, тиббий кґрикка ва даволанишга эµтиёж сезади. Иссиi жоннинг иситмаси бор деганларидек, кичкинтой бемор бґлганда касаллик тури бґйича тор доирадаги мутахассис текширувдан ґтказгани ва тегишли муолажани буюргани маъiул.**

Дарҳақиқат, Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси тасарруфидаги болалар тиббий маслаҳат-диагностика маркази пойтахтимиз аҳолиси фарзандларига юқори даражали маслаҳат-диагностик ва замонавий даволаш-профилактика хизматини кўрсатадиган йирик муассасалардан биридир. Ушбу марказда иш икки сменада ташкил этилиб, ҳар куни 1000 нафарга яқин бола қатнови амалга оширилади. “Обод турмуш йили” Давлат дастурига мувофиқ, 270625 нафар боланинг шифокор қабулида бўлиши ва зарурий даволаш жараёнига жалб қилиниши халқимиз фарзандлари саломатлигини сақлаш билан боғлиқ кенг қамровли ишлар амалга оширилганидан далолат беради.

Марказга қачон ва қандай тартибда мурожаат қилиш мумкин?

Тошкент шаҳрида 60 дан зиёд оилавий поликлиника мавжуд. Бу даволаш муассасаларида 0 ёшдан 16 ёшгача бўлган болалар туғилган давридан бошлаб шифокор назоратида бўлишади. Амалдаги тартиб-қоидага кўра, ҳар бир бола вояга етгунига қадар тиббий хизматнинг барча турларидан бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга. Аммо шундай вазият рўй берадики, оилавий поликлиникада бемор болада кузатилаётган мураккаб ҳолатга ечим топиш қийинлашади. Бундай пайтда гўдакка, илк ёш давридаги болага ёки ўсмирликнинг нозик даврини бошдан кечираётган ўғил-қизларга мутахассис-шифокорнинг чуқурлаштирилган тиббий кўриги зарур. Оилавий поликлиника томонидан Тошкент шаҳар болалар тиббий маслаҳат-диагностика марказига берилган йўлланма беморнинг етук ва малакали шифокор кўригида бўлиш, ундан маслаҳат олиш ҳуқуқини таъминлайди.

**Нодира ТОЖИБОЕВА,**
**даволаш ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари:**

– Бизда бир нечта йўналиш бўйича тиббий хизмат кўрсатилади. Оилавий поликлиника йўлланмаси билан келган бола фақат битта касаллик тури бўйича эмас, балки комплекс текширувдан ўтказилади. Бундан ташқари, 6 та меҳрибонлик уйи, 2 та мурувват уйи, 11 та мактаб-интернат, 10 та махсус ёрдамчи мактаб, “SOS” Ўзбекистон болалар маҳалласи тарбияланувчиларига 14 нафар шифокордан иборат бригада хизмат кўрсатади. Марказ таркибида педиатр йўналишига эга бўлган маслаҳат бўлими мавжуд. Унда педиатр, нефролог, гастроэнтеролог, аллерголог, невропатолог, эндокринолог, кардио-ревматолог, дерматолог кўриги йўлга қўйилган. Бундан ташқари, жарроҳлик йўналишидаги иккинчи маслаҳат бўлимида уролог, ортопед, эндоскопист, жарроҳ, окулист, гинеколог, отоларинголог каби мутахассислар қабулида бўлган беморни ўз билим ва тажрибаси бўйича кўрикдан ўтказиб, касаллигига ташҳис қўяди ва даволаш чора-тадбирларини белгилайди. Функционал диагностика бўлими таркибида эса юрак қон-томир тизимини текшириш учун электрокардиография, велоэргометрия, кардиоинтервалография аппаратларидан фойдаланилади. Марказий ва периферик асаб тизимини текшириш учун электроэнцефалография,

**(Давоми 3-бетда).**

*Таҳлил ва хулоса*

# МАСЪУЛИЯТ ВА НАЗОРАТ – САМАРАДОРЛИК МЕЗОНИ

тарзини тарғиб қилиш бўйича оилалар, маҳаллалар, ўқув муассасалари ва ташкилотларда олиб бориладиган санитария-тарғибот тадбирларига эътибор қаратилиши лозим. Шу аснода айтишим муҳимки, соғлиқни сақлаш тизимида халқимиз саломатлиги йўлида зарурий шарт-шароитлар бекаму кўст яратилган. Ушбу кенг имкониятлардан тиббиёт ходимлари оқилона фойдаланишлари, ўз касбларига жиддий, масъулият билан ёндашувлари талаб этилади. Қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини тартибга солиш ва такомиллаштириш, шу жумладан врачлар юкламасининг янги нормативларини тасдиқлаш, баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш, уларни татбиқ этиш ва доимий назоратини олиб боришдек долзарб масалаларга катта эътибор қаратаяпмиз. Жумладан, Соғлиқни сақлаш ва Молия вазирликлари билан биргаликда ўтказилган текширишларда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятида аниқланган камчиликларни бартараф этиш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий-санитария ёрдами сифатини яхшилаш, профилактик тадбирлар билан аҳолини тўлиқ қамраб олиш мақсадида ҳар бир тиббиёт ходимининг юклама меъёрлари, шу жумладан врачларни қабул меъёрлари ва функционал вазифалари қайта кўриб чиқилди ва тасдиқлаб берилди.

Республикамиздаги бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш доимий мониторингини амалга ошириш мақсадида вазирликда Марказий штаб ва унинг ҳудудий бўлимлари тузилиб, уларнинг асосий вазифаси қилиб бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолияти мониторингини доимий олиб бориш ҳамда ҳудудларга амалий ёрдам бериш вазифалари белгилаб қўйилди.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Аҳолини режа асосида профилактик кўриклардан тўлиқ ўтказилишини таъминлаш бўйича республикамиздаги барча туман/шаҳар кўптармоқли поликлиника мудирлари учун вазирликда семинар-машғулотлар ташкил қилинди ва туман миқёсида ҳар бир ҚВП ёки оилавий поликлиника кесимида аҳолини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиш бўйича тармоқ жадвали (сетевой график) тузилди ҳамда унинг тўлиқ ижроси қатъий назорат қилиб борилади.

2014 йилдан бошлаб ҳар ойда "Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари мониторинги ҳафталиги" ўтказилиб, ҳафталикда ишчи гуруҳлари томонидан акушер, гинеколог ва педиатрлар ҳам жалб қилиниб, ҚВП ва туман кўптармоқли поликлиникалар фаолияти ўрганилмоқда ҳамда ҳудудларга амалий ёрдам кўрсатиш таъминланмоқда.

Юқорида амалга оширилган ишларни назорат қилиш ҳамда аҳоли репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини такомиллаштириш масалалари бўйича соғлиқни сақлаш тизими ҳамда туман ва шаҳар ҳокимликлари, хотин-қизлар қўмитаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди билан ҳамкорликдаги тадбирларни такомиллаштириш мақсадида вазир ўринбосарлари ва вазирлик бошқарма бошлиқлари 20-26 январь кунлари ҳудудларда хизмат сафарида бўлиб, амалдаги фаолиятлар билан танишиб, мавжуд хато ва камчиликларни бартараф этиш масалаларига эътибор қаратдилар. Февраль ойининг 17-22 кунлари мониторинг ҳафталиги давом этмоқда, вазирликнинг ҳудудларга бириктирилган масъуллари ва ишчи гуруҳи аъзолари ҳудудларга сафарбар қилинди.

2013 йилнинг 4-чораги давомида барча ҚВП мудирлари лавозимига лойиқлиги юзасидан аттестациядан ўтказилди, натижада 3201 нафар ҚВП мудирларидан 1380 нафари (43 %) эгаллаб турган лавозимига лойиқ, 949 нафари (29,7 %) эгаллаб турган лавозимига 6 ойдан кейин қайта аттестациядан ўтиши шарти билан лойиқ, 456 нафари (14,3 %) эгаллаб турган лавозимига нолойиқ деб топилди. 416 нафар (13 %) ҚВП мудири ўтказилган суҳбат натижасида ёш, малакали ва ихтисослиги тўғри келадиган мутахассисларга, шу жумладан, ҚВП мудири лавозимида ишлаган 1666 нафар (52 %) эркак ва 1536 нафар (48 %) аёл билан ўтказилган суҳбат ва аттестация натижасида 1089 нафар (34 %) эркак ва 2113 нафар (66 %) аёлга алмаштирилди.

– **Юқорида билдирган фикрларингизнинг таҳлилий хулосаларига кўра, фаолият изчиллигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар қаторига яна қандай таклифлар киритилди?**

– Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш, самарадорлиги, қишлоқ аҳолисига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш имкониятлари ва сифатини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасига **қуйидаги таклифлар киритилди:**

_* 2014 йилда 243 та намунавий лойиҳаларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига мос келмайдиган биноларда жойлаштирилган ҳамда жойларда аниқланганидек хавфсизлик талабларига жавоб бермайдиган камқувватли ва самарадорлиги яхши бўлмаган қишлоқ врачлик пунктларини мақбуллаштириш;_

_* қишлоқ врачлик пунктлари патронаж ҳамширалари иш ҳақларига узлуксиз узоқ вақт ишлаганлик учун белгиланган устама ҳақларни 20 фоиз ўрнига 40 фоизга ошириш;_

_* қишлоқ врачлик пунктлари тиббиёт ходимларининг астойдил меҳнатлари ва аҳолига кўрсатаётган сифатли тиббий хизматлари ҳисобга олиниб, уларнинг ойлик маошига ўрнатилган устама ҳақларни 5-15 фоиз ўрнига 10-20 фоиз қилиб белгилаш;_

_* шу билан бирга тиббий муассасаларни ривожлантириш ва моддий рағбатлантириш Фонди ҳисобидан моддий рағбатлантиришга йўналтириладиган улушни 25 фоиз ўрнига 50 фоиз қилиб белгилаш;_

_* алоҳида рўйхатга кўра қишлоқ врачлик пунктлари умумий амалиёт врачлари асосий тариф маошига алоҳида меҳнат шароитлари учун махсус 25 фоизлик устама ҳақ ўрнатиш;_

_* туман кўптармоқли поликлиникалар штат бирликларидан чиқмаган ҳолда қишлоқ врачлик пунктлари фаолиятини мувофиқлаштириш учун – поликлиника раҳбари ўринбосари лавозимини киритиш._

Шунингдек, Молия вазирлиги билан келишган ҳолда 2014 йил 1 мартдан бошлаб қишлоқ врачлик пунктлари штат нормативлари (меъёрлари) ишлаб чиқиш ва татбиқ этиш. Бунда ҳамширалик ишини юритиш, дори воситаларини ҳисобга олиш, сақлаш ва тўғри фойдаланишни ташкил этиш бўйича тиббий катта ҳамшира лавозимини киритиш назарда тутилди.

**2014 йил 1 апрелдан, синов тариқасида,** Тошкент, Фарғона, Қашқадарё, Хоразм ва Самарқанд вилоятларининг 5 та туманида патронаж ҳамширалари меҳнат самарадорлиги, улар асосий меҳнат мажбуриятларини тўлиқ ва сифатли бажарганликлари ҳамда меҳнат фаолиятларининг якуний натижаларини ҳисобга олган ҳолда баҳолаш мезонларини қўллаш кўзда тутиляпти.

2014 йил 1 ноябргача тажриба натижалари умумлаштирилиб ва Вазирлар Маҳкамасига ушбу моделни республиканинг барча ҳудудларидаги қишлоқ врачлик пунктлари тиббий ходимлари фаолиятини баҳолаш, тўлиқ ва сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш фаолиятини умумий баҳолаш бўйича таклифлар киритилади.

Шунингдек, юқоридагиларни амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги "Тиббиёт ва фармацевтика ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида"ги 276-сонли қарори 4-иловасига мувофиқ, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан мамлакатимиз аҳолиси саломатлигини сақлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган кенг миқёсдаги ислоҳот ва тадбирлар ижросига барча даволаш муассасалари тиббиёт ходимлари масъул ҳисобланади. Ижро учун йўналтирилаётган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда хатоликка йўл қўйилмаслиги ўша жамоада ишчанлик ва барқарорлик муҳитини юзага келтиришини раҳбар ходимлар унутмаслиги керак.

**Дарҳақиқат, суҳбат жараёнида шуни англаб етдикки, иш бор жойда муваффақият, кези келганда муаммо ва камчиликлар бўлади. Шундай экан, ҳар бир ишни тўғри ташкиллаштиришда масъулият ва назоратни кучайтириш муҳимлигини унутмаслигимиз зарур, чунки ечимини кутаётган масала борки, уни ҳал этиш ўзимизга боғлиқ.**

**Суҳбатни
Ибодат СОАТОВА ёзиб олди.**

*Иқтидорли ёшлар*

# ЎЗБЕК ОНКОЛОГИЯСИНИНГ ЖАҲОНДАГИ ЭЪТИРОФИ

***Юртимизда истеъдодли ёшларнинг ақлий салоҳиятини юксалтириш, ўзлигини намойиш қилиш, илмий ишланмаларини юзага чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлаш масаласи давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишларидан биридир. Кўплаб ёшларимиз халқаро даражадаги танлов ва илмий-амалий конференцияларда юксак натижаларни қўлга киритмоқдалар.***

Республика онкология илмий марказининг II кимёвий даволаш бўлими ёш шифокори Зилола Олимова ўз билими, изланувчанлиги ва тиришқоқлиги билан ана шундай юксак ютуқларни қўлга киритиб келмоқда. **У куни кеча Париж шаҳрида ўтказилган жаҳон онкологларининг XXV халқаро конференциясида илмий маърузаси билан иштирок этиб, Сомпсон постер ютуғига сазовор бўлди.**

– _Мен фаолият юритаётган Республика онкология илмий марказида ёш олимларнинг касб маҳоратини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда,_ – **дейди Зилола Олимова.** – _Париж шаҳрида ўтказилган конференцияда “4-босқич сут бези саратонида метроном кимёвий даволашни иматиниб билан даволаш” мавзуидаги инглиз тилидаги маърузам билан қатнашдим. Тўғриси, бу масала иштирокчиларда, ҳайъат аъзоларида катта қизиқиш уйғотди, кўплаб савол-жавоблар бўлди. Ҳақиқатда мавзунинг долзарблиги, илмий янгилиги инобатга олиниб, изланишларим юксак баҳоланди ва биринчи ўринга лойиқ деб топилди. Бундай муваффақиятга эришишимда албатта Президентимизнинг биз ёшлар учун яратиб бераётган шароит ва имкониятлари, шунингдек, соҳага қаратаётган эътибор ҳамда ғамхўрликлари, илмий салоҳият йўлидаги ишларимизга очаётган кенг имкониятлари, қолаверса, устозларим берган сабоқларнинг маҳсули деб биламан._

Шу ўринда таъкидлашимиз лозимки, юртимиз аҳолисига кўрсатилаётган онкологик хизмат жараёни яхшиланиб бормоқда. Соҳага замонавий даволаш-диагностика усуллари кенг татбиқ этилиб, беморларнинг соғайиш кўрсаткичлари ошмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 29 мартдаги 91-сонли "Тиббиёт муассасаларининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ ишлаб чиқилган 2012-2015 йилларда онкология хизматининг моддий-техник базасини янада ривожлантириш ва мустаҳкамлаш Дастури ижросини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган ишлар алоҳида эътиборга молик.



Вилоятимиздаги онкология диспансерлари замонавий компьютер томография, УТД, нур ва рентген текширув ускуналари билан жиҳозланмоқда. Касалликни эрта аниқлаш ва ташхис қўйиш мақсадида профилактик кўрик ва скрининг текширувлари мунтазам равишда олиб борилмоқда. Кадрлар малакасини ошириш, уларнинг хорижда тажриба ошириш имкониятини кенгайтириш вазифалари Республика онкология илмий марказининг доимий эътиборида турибди.

Зилола Олимова «Сут бези даволашда замонавий усулларни қўллаш» мавзуидаги изланишларини давом эттирмоқда. У ўз мавзусини чуқур татбиқ этиш ва унинг самарадорлигини оширишга қарор қилган. Шу боис, у устозлар ўгитига ва йўл-йўриғига таяниб иш тутишни асосий мақсад деб билади.

**Ёш олиманинг халқ саломатлигини асраб-авайлаш йўлидаги изланишлари давом этаверсин.**

**Намоз ТОЛИПОВ.**

Бизнинг расмий веб-сайтимизга ташриф буюринг: www.uzssgzt.uz

2014 йил – Соғлом бола йили

# ТИББИЙ МАСЛАҲАТ ВА ДИАГНОСТИКА

## комплекс тарзда ташкил этилади

(Давоми. Боши 1-бетда).

эхоэнцефалография, электромиография, доплерография аппаратлари мавжуд. Шунингдек, ташқи нафас фаолияти, жигар, ўт пуфаги, меъда ости бези, жинсий аъзо, сийдик йўллари, буйракни ультратовуш воситаси ёрдамида текшириш имкониятлари яратилган. Марказимизда соғлиқни қайта тиклаш бўлими ҳамда клиник-биокимёвий ва бактериологик лаборатория ҳам аҳолига хизмат кўрсатиб келмоқда.





Ҳар бир мутахассис-шифокор ўз йўналиши бўйича чуқур билим ва малакага эга бўлса, қабулига кирган киши ундан миннатдор бўлиб чиқади. Марказ раҳбарияти ўз жамоасини ана шундай кадрлар эвазига шакллантиргани учун ҳам давлат миқёсида қўйилаётган соғлом болани вояга етказишдек устувор вазифага камтарона улуш қўшилмоқда. Бу ерда 1 нафар фан доктори, 2 нафар тиббиёт фанлари номзоди, 36 нафар олий, 15 нафар биринчи ва иккинчи тоифали шифокор ўз хизмат вазифасини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилаяпти. Шунингдек, бу ерга тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртлари ва илмий-текшириш институтлари, ихтисослаштирилган илмий-тиббий марказларнинг юқори салоҳиятга эга бўлган профессор-ўқитувчилардан 8 нафари маслаҳатчи сифатида жалб этилган. Улардан 2 нафари фан доктори, 6 нафари фан номзоди ва 4 нафари доцентлик илмий даражасига эга бўлган кадрлардир. Етук мутахассисларнинг қайси бири билан суҳбатлашманг, ўз ихтисослигини пухта эгаллаганига иқрор бўласиз.

**Феруза АБДУМАЖИДОВА, педиатр, олий тоифали шифокор:**

– Кун мобайнида 25-30 нафар бола қабул қилиб, уларни безовта қилаётган муаммонинг келиб чиқиш сабаблари билан қизиқаман. Аввало, ҳар бир бемордан қон, пешоб, нажас таҳлили олинади. Бир вақтнинг ўзида жарроҳ, гинеколог, уролог, дерматолог, эндокринолог кўригидан ўтган бола ҳақидаги умумий маълумотнома тайёр бўлгач, унга аниқ ташхис қўямиз. Кўп ҳолларда камқонлик, йод танқислиги, гижжа касалликлари билан оғриган фарзандларининг даволанишини истаб, мурожаат қилган оналарга оилавий шароитда муолажа қабул қилиш ёки оилавий поликлиника шифокори назоратида бўлиш бўйича маслаҳат берамиз.

**Ҳимматой ЭРГАШЕВА, кардио-ревматолог:**

– Юрак бола организмида асосий вазифани бажаради. Унинг бир маромда уриб туриши тириклик белгиси, ҳаёт нишонаси. Томчидек қалқиб турган ана шу аъзода бирор нуқсон, дейлик, туғма ва орттирилган порог, унинг секин ёки жуда тез уриши кузатилса, бу муаммонинг бутун организмга салбий таъсири бор. Мутахассис-врач сифатида ҳар куни қабулимга боласи билан кирган оналарни илиқ қарши олиб, “Филипс” компаниясида ишлаб чиқарилган “Клювю-350” аппарати ёрдамида текширув ўтказаман. Бу аппарат бола юрагининг меъёрий кўрсаткичда уриш-урмаслигини аниқлашга ёрдам беради.





**Малика МИРСОАТОВА, олий тоифали шифокор-генетик:**

– Айрим ҳолларда қариндош-уруғлар ўртасида тузилаётган никоҳ муносабатлари биз шифокорларни анча ташвишга солади. Чунки бундай никоҳ натижасида носоғлом бола туғилиб, нафақат ўша оилада, балки бутун жамиятимизда оғриқли масала пайдо бўлишига барчамиз гувоҳ бўлаяпмиз. Беморнинг ирсий касалликлар билан оғриганлик ҳолатини текширишда бизга кўпи билан 5 авлод вакиллари – ота-она, хола, амма, тоға, амаки соғлиги ҳақида маълумот берувчи шажара технологияси жуда қўл келади. Бунга кўра, бемор бола авлоди 14 та кўрсаткич бўйича сўраб-суриштирилади. Шажара технологиясининг бутун дунё бўйича қабул қилинган белгилари мавжуд. Биз айнан шу белгилар диаграммасини тузиб, бола ҳақидаги умумий ташхисни тайёрлаймиз. Шундан сўнггина уни даволаш жараёнига киришиш мумкин. Тўғрисини айтганда, қон-қариндошлик асорати билан боғлиқ касаллик ҳар бир авлодда кузатилмаслиги мумкин, яширин ген тўрт ёки беш авлоддан сўнг ҳам болага ўз таъсирини кўрсатади. Тиббиёт генетикаси жуда катта йўналишни ўз ичига олиб, унинг олдига наслий касалликларга қарши курашиш вазифаси кўндаланг қўйилади. Никоҳолди тиббий кўригида қон-қариндошлар ўртасида оила қурилишини чекловчи тартиб-қоида амалиётга киритилса, жуда мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Марказда клиник-биокимёвий ва бактериологик таҳлилни тўлиқ ҳажмда ўтказишга имкон берувчи лаборатория фаолият кўрсатмоқда. Рентгенологик, ультратовуш ва генетик текширувни амалга оширадиган ускуналар бенуқсон ва бехато ишлайди. Клиник-лаборатор врач Соҳиба Алиева таъкидлайдики, қон, сийдик, нажас ва бурун суртмаси таҳлилий натижаси аниқлангач, бемор болани безовта қилаётган касалликка ташхис қўйиш, даволаш анча осонлашади. Лабораторияда ҳар куни ўртача турли ёшдаги 50 нафар боладан қон, пешоб, нажас таҳлили, бурун суртмаси олиниб, 1-1,5 соатда унинг таркиби аниқланади ва хулоса мутахассис шифокорга тақдим этилади.

Фарзандни дунёга келтириш, у туғилган дақиқадан бошлаб парвариш қилиш, соғлом ривожланиши учун уни моддий жиҳатдан таъминлаш, маънавий томондан рағбатлантириш ота-она учун масъулият ва муҳим вазифа. Марказга йўлланма билан келаётган қайси ота-она билан юзлашманг, фарзанди тақдири ва соғлиги ҳақида қайғуриш ҳисси сезилиб туради.

**Диана ТОШБЕКОВА, уй бекаси:**

– 9 ёшдаги қизчам Мухлисанинг қўли нимагадир қичишади. Бунинг сабабини аниқлаш учун ҳудудий оилавий поликлиника мутахассис-шифокорига мурожаат қилдик, аммо самараси сезилмади. Шундан сўнг марказга йўлланма олдик. Бу ерда уни фақат дерматолог эмас, балки бошқа мутахассислар кўригидан ҳам ўтказишмоқда. Қон, сийдик, нажас таҳлили топширишимиз кераклигини айтишди. Ҳар томонлама текширувдан сўнггина унга аниқ ташхис қўйиш мумкин экан. Унинг соғайиб кетишига ишонаман.

Моддий-техник базаси мустаҳкам бўлган даволаш муассасасидагина намунали тиббий хизмат кўрсатиш имконияти яратилади. Ушбу тиббий маслаҳат-диагностика марказига кейинги икки йил мобайнида келтирилган замонавий тиббий асбоб-ускуналар ҳар бир шифокор фаолиятида асосий ўрин тутади десак, муболаға қилмаймиз. Чунки ривожланган давлатларда ишлаб чиқарилган бу технологиялар орқали касалликни сифатли ва эрта аниқлаш мумкин. Хусусан, 2011 йилда қиймати 9,3 миллион сўм бўлган ЭКГ, 2012 йилда микробиология лабораториясига умумий нархи 8,5 миллион сўмга баҳоланган термостат, 2013 йилда эса умумий қиймати 150 минг АҚШ доллари турадиган рақамли рентген аппарати ва бошқа энг сўнгги русумдаги тиббий технологиялар келтирилдики, маслаҳат, кўрик, ташхис қўйиш ва даволаш жараёнида уларнинг ҳар биридан омилкорлик билан фойдаланилмоқда. Яқинда эса 16 каналдан иборат компьютер-электроэнцефалограф “Нейрон-Спектр” аппарати келтирилди. Бу тиббий ускуна ёрдамида бола миясининг умумий ҳолатини текширувдан ўтказиш мумкин. Наслий касалликлар ҳамда мияда ривожланадиган ўсма турларини аниқлашда ушбу техник восита фарзандларимиз саломатлигини муҳофазалашда катта аҳамиятга эга бўлмоқда.

Марказга катта умид ҳамда ишонч билан фарзандини олиб келаётган ота-оналар ва шифокорларни битта мақсад бирлаштириб туради. У ҳам бўлса ҳар бир оилага ва бутун мамлакатимизга соғлом фарзанд керак. Шундай экан, жисмонан ва руҳан тетик болани тарбиялашда учраётган катта-кичик муаммоларни ҳал қилишга қийналаётган ота-она шифокор маслаҳати ва йўл-йўриғига эҳтиёж сезади. Марказ шифокорларининг ота-оналарга кўрсатаётган беминнат хизмати, аслида жамиятнинг келажаги бўлган фарзандларимизни соғлом ва баркамол ривожлантиришга қўшаётган кичик бир улушидир.

**Президентимиз томонидан жорий йилимизнинг «Соғлом бола йили» деб аталиши бу албатта, келажак авлодларимиз саломатлигига қаратилган экан, унинг замирида фарзандларимизнинг келажак орзу умидлари, жамиятимиз тараққиётининг янада равнақ топиб, мустақил Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши ётади десак, муболаға бўлмайди.**

**Ҳулкар КУЗМЕТОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** *Тошкент шаҳар тиббий маслаҳат-диагностика маркази шифокорлари иш жараёнидан лавҳалар.*

**Суратлар муаллифи Анвар САМАТХОДЖАЕВ.**

*Соғлом авлод – Ватан келажаги*

# ФАРЗАНДНИ КАМОЛОТГА ЕТАКЛОВЧИ МАСКАН – СОҒЛОМ ОИЛАДИР

***Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан 2014 йил мамлакатимизда «Соғлом бола йили» деб эълон қилинди. Ўзбек халқининг барча орзу-ҳаваслари, ҳаётининг мазмуни фарзандлари билан боғлиқ, десак янглишмаймиз. Қайсики, юртдошимиздан энг олий мақсадингиз нима, деб сўрасангиз, шубҳа йўққи, тинчлик, хотиржамлик ва болаларимнинг бахту саодатини, камолини кўриш, деб жавоб бериши табиий...***

Алоҳида таъкидлаш керакки, Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, миллат генофондини соғломлаштириш, баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт, деган даъват умуммиллий шиорга айланиб, келажак истиқболини, тараққиётини мақсад қилиб олган ҳар бир инсон қалбидан жой олди. Мустақил давлатимизнинг илк ордени – "Соғлом авлод учун" деб номланганида ҳам ана шундай ҳикмат, юксак маъно ва мазмун мужассамдир.

Мамлакатимизда аёлларга эътибор, улар учун яратилган шарт-шароит бутунлай бошқача. Барча ҳудудлардаги қишлоқ врачлик пунктлари, вилоят кўп тармоқли шифохоналари, перинатал ва скрининг марказлари, гинекология ва туғруқхона мажмуаларида аёлларга малакали тиббий хизмат кўрсатилиб, ўсмир қизлар ва туғиш ёшидаги аёллар бепул тиббий кўрикдан ўтказилмоқда.

Бинобарин, Обод турмуш йилида халқимиз саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш ва самарасини ошириш, профилактика ишларини кучайтириш натижасида туғруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, 195 минг нафар ёлғиз қария, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилганлиги, 311 миллиард сўмлик бюджет маблағи ҳисобидан 146 та замонавий тиббиёт муассасаси фойдаланишга топширилганлиги мамлакатимиз аҳолисининг соғлом турмуш тарзини янада мустаҳкамлашга замин яратди. Жумладан, Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт марказида янги даволаш корпуси ва диагностика бўлими, болалар касалликлари санаторийси барпо этилиб, фойдаланишга топширилиши, Қашқадарё вилоятининг Чироқчи туманида тиббиёт бирлашмаси, Сурхондарё вилоятида кўп тармоқли болалар ва катталар тиббиёт марказлари, Фарғона вилоятининг Ўзбекистон, Қўштепа туманлари тиббиёт бирлашмалари ва бошқа ўнлаб касалхоналар тубдан реконструкция қилиниши фуқаролар, айниқса ёш авлод келажаги, уларни соғлом шахс сифатида вояга етказишда муҳим аҳамият касб этади.



**«Обод турмуш йили» Давлат дастури доирасида соғлиқни сақлаш тизимида республика бўйича туғруқ ёшидаги 7 миллион аёл ҳамда 7 миллион 300 минг нафар бола тиббий кўрикдан ўтказилиб, 195 минг нафар ёлғиз қариялар, ногирон ва пенсионерларга малакали тиббий ёрдам кўрсатилди.**

Ёш авлодни комил инсонлар этиб тарбиялаш, жамиятда соғлом муҳитни қарор топтиришнинг асосий воситаси сифатида спортни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Барча ҳудудларда, хусусан, чекка қишлоқларда бунёд этилаётган замонавий спорт мажмуаларида болалар спорт билан мунтазам шуғулланиб, саломатлиги мустаҳкамланмоқда. Эътиборлиси, болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобидан 2014 йилда 115 та болалар спорти объектини қуриш ва реконструкция қилиш, уларни асосан мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган замонавий спорт анжомлари билан таъминлаш учун 107 миллиард сўм маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 13 апрелдаги "Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлом авлодни шакллантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги, 2009 йил 1 июлдаги "2009-2013 йилларда аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши, жисмоний ва маънавий баркамол авлодни вояга етказиш борасидаги ишларни янада кучайтириш ва самарадорлигини ошириш чора-тидбирлари дастури тўғрисида"ги Қарорлари мамлакатимизда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасида қилинаётган ишларнинг давомийлигини белгилайди.

**Биргина 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ортганлиги натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилинди.**

Бугунги кунда республикамизда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ва сифатини таъминлашда ҳам қонунчилик базаси яратилган. "Маҳсулотлар ва хизматларни сертификатлаштириш тўғрисида", "Йод етишмаслиги касалликлари профилактикаси тўғрисида", "Аҳоли ўртасида микронутриент етишмаслиги профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунлари соҳадаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳужжат вазифасини бажармоқда. Аҳолининг овқатланишини яхшилаш, ун ва тузни зарур микроэлементлар билан тўйинтириш, оналар ва болаларни витаминга бой дори-дармонлар билан таъминлаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли бугунги кунда болаларимизнинг 92 фоизи ривожланиш кўрсаткичлари бўйича Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти стандартларига мос келаётганлиги биз эришган катта ютуқлардан бири, десак хато бўлмайди.

Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш борасида қабул қилинаётган изчил чора-тадбирлар натижасида туғиш ёшидаги аёллар, шунингдек, болалар ва ўсмирлар тиббий кўрикдан ўтказилди. Шунингдек, 2011-2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилиши 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталик ва ривожланишдаги нуқсон билан туғилишининг олдини олиш, "Она ва бола скрининги" дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши натижасида ривожланишда нуқсони бор болаларнинг туғилиши 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайтириш имконини берди.

Фақат 2013 йилнинг ўзида соғлиқни сақлаш соҳасига йўналтирилган инвестициялар ҳажми 2010 йилга нисбатан 3,8 баробар ортганлиги натижасида 295 та тиббиёт объекти реконструкция қилиниб, фойдаланишга топширилди. Республика ихтисослаштирилган тиббиёт марказларини жиҳозлаш даражаси 1,8 баробар ортди ва 91,7 фоизга етди, жумладан, юқори технологияларга асосланган ускуналар билан жиҳозланиш даражаси 82,6 фоизни ташкил этиши барчамиз учун қувонарлидир.



**2011-2013 йилларда 535 минг нафар ҳомиладор аёл ирсий ва туғма касалликлар бўйича текширувдан ўтказилиши натижасида 2013 йилда қарийб 2,7 минг боланинг туғма хасталиклар ва ривожланишдаги нуқсонлар билан туғилишининг олди олинди. Бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 1,8 марта камайиш имконини берди.**

Дарҳақиқат, соғлом авлодни тарбиялаш – узлуксиз жараён. Бу кенг миқёсдаги кўпдан-кўп вазифаларни бажаришни, ҳар бир инсон, ҳар бир оила, бутун жамиятдан доимий эътибор ва масъулиятни талаб қилади. Шу ўринда айтиш муҳимки, юқорида таъкидлаб ўтилган инсон саломатлиги ва унинг манфаатлари йўлидаги бу эзгу ишлар давлатимиз ва Соғлиқни сақлаш вазирлиги, шунингдек ҳамкор ташкилотлар томонидан амалга оширилаётгани ҳеч биримизга сир эмас. Давлатимиз раҳбарининг маърузасида ҳам ушбу соҳалар олдига муҳим вазифалар қўйилиши бежиз эмас.

2013 йилда фарзандларимизнинг порлоқ келажагини таъминловчи таълим-тарбия соҳасида ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, таълим стандартлари ва дастурларини такомиллаштириш мақсадида 28 та янги касб-ҳунар коллежи қурилди, 381 та умумтаълим мактаби, олий ўқув юртлари тизимидаги 45 та объект, 131 та касб-ҳунар коллежи ва лицей реконструкция қилинди ва капитал таъмирланди. Шунингдек, 55 та болалар мусиқа ва санъат мактаби, 112 та болалар спорти объекти ва 4 та сузиш ҳавзаси фойдаланишга топширилиб, уларнинг барчаси зарур ускуна ва инвентарлар билан жиҳозланди.

Бола қачон соғлом бўлади? Қачонки, соғлом турмуш тарзи тўлиқ шаклланган оилада, миллий ғурур, миллий анъаналар, қадриятлар қадрланган маҳаллада, кучли билим олишга, ҳам маънавий, ҳам жисмоний соғлом бўлишга барча имконият ва шарт-шароитлар яратилган юртда – мустақил Ўзбекистонда. Биз юксак маънавиятли, замонавий фикрлайдиган, қобилиятли ёшларни тарбиялашни биринчи даражали вазифа деб биламиз ва уларни ўзининг асосий таянчи, деб ҳисоблаймиз.

**Зеро, ҳар қандай жамият соғлом ва баркамол, эл-юртига садоқатли, имон-эътиқодли фарзандлари билан фахрланади, уларга суянади. Шундай фазилатларга эга авлодни тарбиялаб, вояга етказган халқ келажакка катта ишонч билан қарайди, истиқболи порлоқ бўлади. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида "Соғлом бола йили"да мамлакатимизда амалга ошириладиган ишлар ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилиши шубҳасиздир.**

**Ҳафиза КАРИМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси**
**Қонунчилик палатаси депутати.**

*Дил изҳори*

## Бахтимизга омон бўлинг

Инсон табиатан шундай яралган: кимдир бизга яхшилик қилса, бир умр эслаймиз, ўша одамнинг олдида ўзимизни қарздор, деб ҳисоблаймиз.

Бундан 3 ой олдин келинимиз Дилафрўз Қашқадарё вилояти Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмасининг туғруқ бўлимида узоқ вақт даволанди. Шу вақт мобайнида янги қурилиб, фойдаланишга топширилган шифо маскани, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган озода ва шинам хоналар беморларни тез соғайишида ўрни катта эканлигига амин бўлдик.

Бундан ташқари, бирлашманинг "Патология", "Туғруқ" бўлимларида хизмат қилаётган тажрибали ҳамда фидойи врач, педиатр, ҳамшира ва бошқа хизматчилар бемор тез ва асоратсиз соғайиши йўлида ўз билим, тажриба ҳамда меҳрларини аямасдан меҳнат қилмоқдалар.

Айни вақтда келиним ва неварамнинг аҳволи жуда яхши. Ўзларининг билим ва тажрибалари билан оиламизга қувонч бахш этган Чироқчи тумани тиббиёт бирлашмасининг барча шифокорларига, айниқса, патология ва туғруқ бўлимлари ходимларига самимий миннатдорлигимизни билдириб қоламиз.

**М. ЖЎРАЕВлар оиласи.**

*Здоровый образ жизни*

# СПОРТ КАК ЧАСТЬ РАЗВИТИЯ ДЕТСКОГО ОРГАНИЗМА

***Все родители хотят, чтобы их дети росли здоровыми. Есть масса различных способов укрепить здоровье растущего организма: сбалансированная система питания, прогулки на свежем воздухе, комплексы витаминов и всевозможные методы закалки. Но этот перечень будет неполным без упоминания о занятиях спортом. Вопрос о том, какой вид спорта будет наиболее подходящим для ребёнка, рано или поздно встаёт перед любыми родителями, следящими за его гармоничным развитием. Речь не идёт сейчас о родителях, которые видят в своём ребёнке будущего олимпийского чемпиона, а о тех, которые признают, что спорт способствует полноценному развитию здоровой личности.***



Выбирая вид спорта для ребёнка, стоит учитывать множество разных нюансов. Дети должны заниматься тем спортом, который им нравится, иначе это не пойдёт им на пользу: ребёнка придётся каждый раз принуждать к занятию спортом, а это не сочетается со здоровым развитием. Также выбранный вид спорта не должен переутомлять ребёнка, ведь цель занятия спортом укрепить его организм, а не наоборот. Лёгкие нагрузки помогут ребёнку истратить нужное количество энергии, но при этом оставаться бодрым и внимательным. Да и то, что физические нагрузки улучшают детский сон и аппетит, также общеизвестный факт.

Но иногда родители могут столкнуться с такой ситуацией, когда ребёнок не проявляет интереса к спорту. В этом случае вас могут выручить игрушки, исполненные в спортивной тематике. Ребёнок начнёт с игр, а затем заинтересуется самим спортом.

В последнее время детям больше интересны разные стильные тачки игрушки или куклы, выглядящие как модели. Но спортивные игрушки ничуть не уступают им в дизайне.

Существует большое количество спортивных игр, которые одновременно могут быть увлекательными и давать ребёнку необходимую физическую нагрузку. Предпочтение в этом случае лучше отдавать тем игрушкам, с которыми можно играть на свежем воздухе. Ведь если, к примеру, ребёнок будет играть в компьютерную игру на спортивную тему, то это отразится на его здоровье отрицательно. Поэтому, стоит подбирать игры тщательно, учитывая потребности детского организма и индивидуальные особенности ребёнка.

Лучше всего, чтобы родители прививали ребёнку интерес к спорту своим примером и выбирали время для спортивных игр всей семьёй, потому что образ жизни ребёнка – это прямое отражение образа жизни родителей.

**Дети и здоровый образ жизни**

Все мы прекрасно понимаем всю важность ведения здорового образа жизни. Но одного понимания недостаточно, важно самим соблюдать его и показывать личный пример своим детям.

Важность здорового образа жизни трудно переоценить. Но как привить его ребенку, когда вокруг столько соблазнов, а переходный возраст так и норовит противопоставить свое “Я” обществу? Конечно, легче всего детей обучать на собственном примере. Ведь если в семье никто никогда не курил, то и у ребенка не возникнет такого желания в большинстве случаев, если при этом ребенку были правильно привиты семейные ценности и не хромают авторитеты. Порой даже один запах сигарет у ребенка может вызывать тошнотворный рефлекс, а вот если он рос в атмосфере табачного дыма, то для него он может стать естественным, хотя в некоторых случаях может оказаться и наоборот. При этом если ребенок с детства отличался слабым здоровьем и вы ищете выгодные ставки по депозитам в банках, чтобы сделать ему операцию, то курение и другие вредные привычки могут нанести ему еще больший вред.

Другой важной составляющей здорового образа жизни является собственно спорт. Рекомендуется выбираться на лыжах, роликовых коньках, скейтборде и сноуборде всей семьей по выходным. Любовь к физкультуре лучше прививать с самого рождения. Поначалу это может быть просто гимнастика или даже массаж грудничкам, затем закаливание под душем или в проруби, а потом и утренняя зарядка. К здоровому образу жизни также относится привычка чистить зубы по утрам и на ночь, ухаживать за своим телом, проводить гигиенические процедуры, принимать душ. Все это позволяет телу восстанавливаться, а болезни будут проходить стороной. Также неплохо бы выбираться хотя бы раз в год на море, чтобы подышать морским воздухом, набраться сил и пропитать свою кожу минералами и витамином Д на солнце. Даже если в вашей семье недостаточно средств на ежегодный отдых, стоит рассмотреть депозиты банков, чтобы в течение года деньги сами копились вам на отпуск всей семьей. Это не только отлично скажется на вашем здоровье, но и сблизит семью.

С раннего детства стоит уделять внимание подвижным играм ребенка. Это может быть велосипед, ролики, мяч, скакалка для девочек, обруч, теннис, бег, лапта и другие активные игры с друзьями. Принимайте и вы с ними участие, здесь опять же важен ваш личный пример. Кстати, подвижным играм способствует удобная обувь, поэтому у ребенка она должна быть спортивной и качественной, сделанной из дышащих материалов и предусмотренная для разной погоды. Как видите, некоторые из указанных способов не связаны с деньгами и требуют лишь вашего внимания и активного участия, а другие непосредственно затрагивают ваш семейный бюджет, поэтому реализовать их помогут вклады в рублях. В любом случае формировать любовь у детей к здоровому образу жизни нужно начинать как можно раньше.

**Эльвира МАРАКАЕВА,**
**директор Ташкентского городского филиала Института здоровья и медстатистики.**

*Сарҳисоб*

# ЙИЛ ЯКУНЛАРИ ВА ИСТИҚБОЛДАГИ РЕЖАЛАР

***Жорий йилнинг 15 февраль куни Бухоро шаҳрида вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан йил якунларига бағишланган “Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида 2013 йилда амалга оширилган ишлар ва муаммолар, 2014 йилдаги устувор вазифалар” мавзусидаги илмий-амалий семинар ўтказилди.***



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутахассиси, вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси тасарруфидаги барча тиббиёт муассасалари ҳамда тиббиёт коллежлари раҳбарлари, соҳа фаоллари ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этдилар.

Мазкур тадбирда қатнашган вилоят ҳокими, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси Муҳиддин Эсанов даставвал, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган “2013 йилда республиканинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2014 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисида» ги маърузасининг аҳамияти, жумладан маърузада келтирилган соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар ва туб ўзгаришлар, соҳани янада ривожлантириш учун киритилаётган инвестициялар, ишлаб чиқилаётган дастурлар халқимизнинг соғлигини асраш давлат ва ҳукумат олдидаги энг муҳим вазифа эканлигини алоҳида таъкидлади. Шунингдек, вилоятда аҳоли соғлигини сақлаш борасида амалга оширилган муҳим ишлар ва келгусидаги вазифалар хусусида ҳам атрофлича тўхталди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирининг Оналик ва болалик муҳофазаси бўйича ўринбосари Лазиз Тўйчиев республикамиз ва Бухоро вилояти бўйича соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган самарали фаолиятлар бўйича алоҳида сўз юритиб, бугунги кунда барча йўналишлар қатори бирламчи тиббий санитария тизимига янада эътибор қаратиш муҳимлигини айтиб, истиқболдаги режалар бўйича асосий чора-тадбирлар белгилаб олиш масалаларига урғу берди.



Вилоят ҳокимлиги соғлиқни сақлаш бошқармаси бошлиғи Икром Амонов “Бухоро вилояти соғлиқни сақлаш тизимида амалга оширилган ишлар: ютуқлар, муаммолар ва истиқболдаги режалар” мавзуси бўйича республикамиз ҳукуматининг мустақиллик йилларида соғлиқни сақлаш тизимини босқичма-босқич ислоҳ қилиш сиёсати натижалари, соҳага ажратилаётган бюджет маблағлари йилдан-йилга кўпайтирилаётгани ва буларнинг натижасида мамлакатимизда ўртача умр кўриш дунё миқёсида олдинги ўринлардан бирига чиқаётганлигини эътироф этиб, вилоятда амалга оширилган ишлар, ютуқлар ва муаммолар тўғрисидаги ўз фикрларини билдирди.

Тадбирда вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази бош врачи К. Ғозиев вилоят даволаш-профилактика муассасаларида 2013 йилда татбиқ этилаётган янги диагностика ва даволаш технологияларининг афзаллиги ва улардан оқилона фойдаланиш масалаларига эътибор қаратиб, бу борада аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини янада ошириш муҳимлигини айтиб ўтди. Шунингдек, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Бухоро филиали директори А. Норов марказдаги фаолиятларга алоҳида урғу бериб, замонавий аппаратураларнинг инсонлар саломатлигини сақлашдаги ўрни, кадрлар салоҳияти хусусида тўхталди.

**Кун тартибидаги асосий масалалар бўйича иштирокчилар томонидан фикр ва мулоҳазалар билдирилиб, мавзу доирасида муҳокамалар бўлди.**

**М. САФОЕВА.**

*Умумий амалиёт шифокорига амалий ёрдам*

# БОШ МИЯДА ҚОН АЙЛАНИШИНИНГ ЎТКИР БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛУВЧИ ХАВФЛИ ОМИЛЛАР

***Цереброваскуляр касалликлар замонавий тиббиётнинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига қараганда, бу касаллик барча мамлакатларда жуда кенг тарқалган. Касалланиш 1,5 дан 7,4 гача (1000 аҳоли ҳисобига), ўлим 10-15 фоиз, мажруҳ бўлиш 30-35 фоизни ташкил қилади. Бундан кўриниб турибдики, ҳозирги вақтда бу масала фақат тиббиёт муаммоси бўлибгина қолмай, балки ижтимоий вазифалардан бирига айланмоқда.***

Сўнгги йилларда ишемик инсульт хавфи муаммоси барчанинг эътиборини жалб қилмоқда. Бу эса ҳозирги пайтда фармакология, клиник текширувлар, касалликнинг бирламчи ва иккиламчи профилактикалари ривожланганлигига қарамай ривожланаётган ва ривожланган давлатлар ичида ўлим ва ногиронликнинг $^1/_2$ қисми учун асосий сабаб бўлиб қолаётганлиги билан характерланади. Цереброваскуляр касалликларнинг кундан-кунга ёшариб боришини ҳисобга олсак, бу муаммонинг нақадар долзарблигини тушуниш мумкин. Дунё бўйлаб бир йилда 6 млн. аҳоли бош мия инсульти касаллиги билан хасталанади. Шуниси аянчлики, бу беморларнинг 20 фоизигина фаол ҳаётга қайтади.

Ўткир бош мия қон айланишининг бузилиши – бу ўчоқли белгилар, умумий мия белгилари, менингиал белгилар ёки бу белгиларнинг биргаликда кечиши билан ифодаланувчи, қон-томир ўзгаришлари таъсирида юзага келувчи миянинг зарарланишидир. Бемордаги неврологик нуқсонларнинг қанча вақт сақланиб қолишига қараб ўтиб кетувчи мия қон айланишининг бузилиши ва инсультлар тафовут этилади. Тез-тез эмоционал зўриқиш, кам ҳаракатлик, чекиш, тана вазни юқори бўлиши, қандли диабет, артериал гипертензия, дислипопротеинемия, юрак қон-томир системаси касалликларига ирсий мойиллиги бор беморлар ушбу касалликка эҳтимоллиги юқори бўлган беморлар ҳисобланади.

Ўткир бош мия қон айланишининг бузилиши ишемик тури бош миянинг кислородга ва энергетик субстратларга бўлган эҳтиёжини, мияга келаётган қонни таъминлай олмаслиги ва миядаги қон айланишининг бирдан ёмонлашиши натижасида юзага келади. Ўткир бош мия қон айланишининг бузилиши геморрагик тури асосида эса мия қон томирлари девори бутунлиги бузилиши натижасида мия тўқимасига, мия қоринчаларига, мия пардалари остига қон қуйилиши ётади.

Бош мия қон-томир касалликларининг келиб чиқиш сабабларини ўрганиш натижасида бир қанча хавф омиллари борлиги аниқланди: **беморлар ёши** касаллик ривожланишида муҳим ўрин тутади, ёш ўтган сари касалликнинг ривожланиш хавфи ортиб боради. Касаллик асосан, аҳолининг ёши ўтган ва кекса ёшдаги қисми учун хавф туғдирса-да, лекин кишилар ёши ортган сари ҳар 10 йилликда цереброваскуляр касалликларнинг ривожланиш хавфи икки баробар ортади, мисол учун аҳоли сонига нисбатан 0-14 ёшда 1:30000, 35-44 ёшдагилар гуруҳида 1:5000, 65-74 ёшда 1:100, 75-84 ёшда 1:50 та, 84 ёш ва ундан юқорида 1:30 ни ташкил қилади. Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ёши ўтган ва кекса кишиларда бош мия қон-томир тизими ва липид алмашинуви бузилиши, атеросклероз патологияси келиб чиқиши билан бир-бирига ўзаро боғлиқдир, атеросклероз ривожланиши эса ўз навбатида гипертензияга олиб келади.

**Наслийлик – наслий мойиллик** хафақон ва атеросклероз хасталигининг келиб чиқишида наслий мойиллик катта роль ўйнайди.

**Атеросклероз** дунёнинг ривожланган мамлакатларида кишилар ўлими ва ногиронлигининг муҳим сабабчиси ҳисобланади. Организмдаги барча органлар ишемиясида, айниқса марказий асаб тизими ва юрак қон-томир тизими соҳаларида кечувчи касалликларда йирик ва ўрта калибрдаги артериал қон-томирлар зарарланиши асосий ўрин тутади. Бунда артериал қон-томирларнинг силлиқ мушак ҳужайраларидан ташкил топган ички қавати (интимаси) пролиферацияси ва бу соҳага липидлар ўрнашиши натижасида қон-томирлар бўшлиғининг торайиши келиб чиқади. Қон-томирнинг бирламчи зарарланган соҳасида атеросклероз бляшкаси ривожланади. Атеросклерознинг клиник кўриниши қайси орган қон-томирлари жароҳатланганлигига ва унинг характерига боғлиқдир. Мисол учун: коронар атеросклероз – стенокардия ёки миокард инфаркти сабабчиси, церебрал артериялар зарарланиши бош мия инсульти сабабчиси бўлиши мумкин. Буйрак артериялари атеросклерози артериал гипертония келиб чиқишида муҳим омил бўлиши билан бир пайтда унинг ўзи атеросклероз учун хавф омили бўлиб ҳисобланади. Атеросклероз тўлқинсимон кечиш хусусиятига эга. Атеросклероз бляшкалари бир неча йиллар ёки бир неча 10 йиллар мобайнида ривожланиши мумкин. Атеросклероз артерияларни зарарлаши ҳар хил бўлиб, одатда атеросклеротик бляшкалар қон-томир бўшлиғида стеноз ва окклюзия келтириб чиқариш билан қоннинг оқиш тезлигини чегаралайди ёки бўлмаса қон-томир бўшлиғини кенгайтирган ҳолда томирлар аневризмасини ҳам юзага келтириши мумкин. Бу ҳолат аорта қон-томири учун хосдир. Чунки бу ерда аневризманинг ёрилиши ёки бўлмаса кенгайиши стеноз ва окклюзияга нисбатан кўп учрайди.

**Кам ҳаракатлик** – турли юрак қон-томир хасталиги сабабчиси бўлиши мумкин.

**Овқатланиш – элементар омили** хафақон ва атеросклероз хасталиги сабабчиси бўлиши мумкин. Япония олимлари текширув натижасида оқланган гуручни ва ош тузини меъёридан кўп истеъмол қилиш хафақон ва мияга қон қуйилиш хасталиги келиб чиқишида сабабчи бўлади, деган фикрга келдилар.

**Тамаки чекиш** инсульт ривожланиш хавфини икки маротаба оширади, уйқу ва коронар артерияларда атеросклероз ривожланиш жараёнини тезлаштиради. Чекишни тўхтатган кишиларда 2-4 йилдан сўнггина инсульт келиб чиқиш хавфи камайиши мумкин.

**Психо-эмоционал омил** ер қимирлаш даврида Ф. Аблялитов ўтказган текширувни беморларда гомеостаз ҳолатининг бошқарув тўсатдан бузилиши бош мия қон айланиши ўткир бузилишига, айниқса ўткинчи бузилишига олиб келишини кўрсатади.

**Хафақон касаллиги** бирламчи (эссенциал гипертензия) ёки иккиламчи систолик ва/ёки диастолик артериал қон босимининг ошишидир.

Гипертония касаллиги хам геморрагик, ҳам ишемик инсультнинг асосий хавф омилларидан ҳисобланади. Текширишлар шуни кўрсатадики, АДнинг 50 мм.с.у.га ошиши инсульт келиб чиқиш хавфини 1/3 маротаба оширади; АДнинг 90 мм. с. у дан ошиши инсульт хавфини янада кўтаради. Қон босими 160/95 мм. с. у. т. бўлган беморларда инсульт келиб чиқиш хавфи меъёрий қон босимида юрувчи кишиларга нисбатан 4 маротаба юқоридир. 200/115 мм.с.у.т. қон босими билан юрувчи беморларда эса 10 маротаба юқори бўлиши кузатилган. Артериал гипертония мияда ўчоқли ва диффуз ўзгаришлар келтириб чиқариши билан кечади.

**Ўчоқли ўзгаришлар** – артериал босим ошганда (қайта гипертоник криз кузатилганда ҳам); томир девори миоцитлари некрози, плазморрагия ва унинг фибриноид некрози кузатилади. Бу эса аневризмалар ривожланишига, бунинг оқибатида эса мияга қон қуйилиш ҳолатларини келтириб чиқаради. Шу билан бирга деворлар букиши, артериолалар бўшлиғи торайиши ёки беркилиши миянинг лакунар инфаркти ривожланишига сабаб бўлади.

Бош мия қон айланиши ўткир бузилиши гипертоник криз церебрал варианти асорати ҳисобланади ва гипертоник энцефалопатия, ўткинчи бош мия қон айланиши бузилиши, геморрагик ёки ишемик инсульт кўринишида намоён бўлади.

**Гипертоник криз** деб артериал босимнинг индивидуал қон босимига нисбатан кескин кўтарилиши, гипертония симптоматикаси чуқур намоён бўлиши ва/ёки қўшимча белгилар пайдо бўлиши билан кечувчи ҳолатга айтилади.

**Ташқи муҳит ва экологиянинг юқумли касалликлар ҳамда заҳарланишларга кўрсатадиган таъсири**

Инфекцион-аллергик энцефалитлар, сифилис, орттирилган иммунитет танқислиги синдроми (ОИТС).

**Қандли диабет** (баъзан бош мия инфаркти билан асоратланади). Ушбу ҳолатда липид алмашинувининг бузилиши, артериал гипертензия, атеросклероз асосий омил ҳисобланади.

Қандли диабет билан хасталанган беморларнинг гипогликемик препаратларни қабул қилиши инсульт ривожланиш хавфини камайтирмайди:

- *гиперхолестеринемия;*
- *фибрилляция предсердий;*
- *орал контрацептивларни қабул қилиш;*
- *менопаузада гормон ўрнини босувчи терапия;*
- *алкоголни меъёридан ортиқ истеъмол қилиш.*

Қон-томирларда қон айланиш тезлигини секинлаштиради, натижада мия ҳужайраларини доимий $O_2$ танқислигига олиб келади. Бунинг натижасида хотира пасайиши белгиси келиб чиқади. Алкоголь томирларда склеротик ўзгаришлар эрта бошланишига сабабчи бўлади ва қон қуйилиш хавфини оширади.

**Гемодинамик омиллар.** Миокард инфарктидан сўнгги артериал босимнинг пасайиши, юрак ритми бузилишлари, қон кетишлари, ортостатик гипотензия, ятроген таъсирлар ва бошқалар.

Юқорида кўрсатилган омилларнинг бир нечтаси бир беморда бўлиши бош мия томир касаллигини ривожлантиради.

**Бош мия қон айланиши бузилишига олиб келувчи хасталиклар:**

- *атеросклероз;*
- *хафақон касаллиги;*
- *атеросклероз ва хафақон касаллигининг бирга келиши;*
- *қон босимининг бошқа хасталикларда кўтарилиши – симптоматик гипертензия;*
- *гипотония ва симптоматик гипотония;*
- *юрак хасталиги – миокард инфаркти ва аритмиялар, туғма юрак хасталиклари;*
- *васкулитлар, эндоартритлар (ревматик сифилитик, аллергик, токсик);*
- *аневризмлар;*
- *қон касалликлари (апластик анемия, эритремия, лейкоз, тромбоцитопеник пурпура ва б);*
- *артерия ва веналарнинг эзилиши (умуртқа поғонаси касалликлари ва ўсмаларда);*
- *эндокрин касалликлар;*
- *онкологик касалликлар;*
- *вегетатив дистония синдроми;*
- *интоксикациялар (экзо- ва эндоген).*

Юқорида айтилган омиллар таъсири натижасида бош мия қон-томир касалликлари ривожланишига йўл қўймаслик ҳар бир кишининг ўз қўлида.

**А. МАМАДАЛИЕВ,**
**Н. РАҲМАТУЛЛАЕВА,**
**О. БЎСТОНОВ,**
**Андижон Давлат тиббиёт институти Неврология ва болалар неврологияси кафедраси ассистентлари.**



# СОҒЛОМ АВЛОД ВАТАН КЕЛАЖАГИ

**Президентимиз раҳнамолигида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига устувор аҳамият қаратилмоқда.**

Навоий вилояти перинатал марказида 300 нафардан зиёд малакали акушер-гинеколог, реаниматолог, неонатолог, педиатр, доя, лаборант ва ҳамшира меҳнат қилмоқда. “Бехатар оналик”, “Болаларнинг ўсиш ва ривожланиш мониторинги” дастурлари асосида билим ва малакасини ошириб бораётган шифокорлар она ва бола саломатлиги муҳофазаси, ташхис қўйиш ҳамда тиббий ёрдам кўрсатишда илғор тажриба ва замонавий ускуналардан самарали фойдаланмоқда.

Марказда 2013 йилда 4 минг 632 чақалоқ дунёга келиб, барчасидан профилактик эмлаш ва скрининг текширувлар учун таҳлиллар олинди.



**СУРАТЛАРДА:** *марказ фаолиятидан лавҳалар,*
**Сирож АСЛОНОВ.**

## Ҳамкорлик

***Таъкидлаш муҳимки, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси томонидан хорижий тиббиёт муассасалари билан ҳамкорликда ўтказилаётган тиббий кўрик ва муолажалар болалар саломатлигини янада мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашишда муҳим омил бўлмоқда.***

# ЭЗГУЛИК ЙЎЛИДАГИ ХАЙРЛИ ИШЛАР



– Муассасамиз Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилиб келмоқда, – дейди Корея Республикасининг Ёнсей университети қошидаги “Severance” госпитали директори Донг Су Ким. – Юртингизга бундан 15 йил аввал ҳам келган эдим. Бу даврда Ўзбекистон таниб бўлмас даражада ривожланибди. Мамлакатингизда оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳоли тиббий маданиятини юксалтириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатга сазовор. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган тиббиёт марказлари аҳолининг барча қатламларини тўла қамраб олган. Биз оналик ва боликни муҳофазалашдек хайрли ишга ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз. Ўзбекистонга ташрифимиз бу борадаги ҳамкорликни янада кенгайтириш, ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ўзаро фикр ва тажриба алмашиш учун қулай имконият яратади.

Жанубий кореялик малакали мутахассислар “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармасининг тиббий-ижтимоий маркази ҳамда Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманидаги болалар шифохонасида кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандларини чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказишди. Шунингдек, Тошкент тиббиёт педиатрия институтида тиббиёт ходимлари ва талабалар билан суҳбатлар ўтказилиб, ўзаро тажриба алмашилди.



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2014 йилнинг “Соғлом бола йили” деб эълон қилиниши муносабати билан “Соғлом авлод учун” халқаро хайрия жамғармаси оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламларига ижтимоий ёрдам бериш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ногирон болаларни соғломлаштириш ҳамда соғлом авлодни тарбиялаш борасидаги лойиҳаларни янада катта масъулият билан амалга оширмоқда.

Жумладан, 2002 йилда ушбу жамғарманинг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Германиянинг “Friedensdorf International” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда тузган уч томонлама ҳамкорлик битими доирасида бемор болалар Германиянинг нуфузли клиникаларида даволаниб қайтишди.

Жорий йилнинг 12 февраль куни Германия клиникаларида даволаниш учун республикамиз вилоятларида истиқомат қилаётган болалардан бир гуруҳи жўнатилди.

Шунингдек, 16 февраль куни Германия республикасидан соғломлаштирилган болалар юртимизга қайтиб келишди.

**Жасур ЖАЛИЛОВ.**
**Муаллиф олган суратлар.**

## *Билиб қўйган яхши*

# ҚОВОҚ – МИТТИ ДОРИХОНА

Мўъжизакор ўсимлик ҳисобланмиш қовоқ – полиз ўсимлиги бўлиб, у жуда тўйимли ва организмга осон сингади. Қовоқнинг кимёвий таркиби жуда бой ва турли-тумандир. Шу туфайли ҳам уни «митти дорихона» деб аташ мумкин.

**Ошқозон-ичак йўли касалликларида:** қовоқда бириктирувчи тўқималар ва органик кислоталар кам бўлади, шунинг учун ҳам у энг парҳезбоп маҳсулот ҳисобланади. Таркибида пектин миқдори кўплиги эса яллиғланган йўғон ичакка шифобахш таъсир кўрсатади. Қовоқнинг хом эти ичаклар фаолиятини яхшилайди ва қабзиятга қарши ҳамда жигар касаллигини даволашда кенг қўлланилади.

**НИГОРА тайёрлади.**

## *Детский спорт*

# КОГДА ТРЕНИРОВКА В РАДОСТЬ

**Несмотря на то, что таэквондо считается мужским видом спорта, на тренировках можно увидеть и девочек, отрабатывающих удары ногами.**



В секции “Таэквондо INF”, которую ведет обладатель чёрного пояса 3 даня, старший тренер сборной юношеской команды Ташкента Равшан Саликжанов, девочки являются частью мужского коллектива. Никаких поблажек. Среди них есть даже чемпионки и призёры соревнований – это Ойноз Ганиева (чёрный пояс 1 дан), Ситора Шурчина (чёрный пояс 1 дан) и Зульфия Юлдашева (чёрный пояс 1 дан). Ситора на Кубке республики в весе 60 кг завоевала золотую медаль. Девочки школы № 79 Чиланзарского района города Ташкента Орзигуль Анвар и Гузеля Рахманкулова тоже хотят походить на своих старших товарищей по таэквондо, стараясь не пропускать тренировки и выполнять все задания сенсея, то есть тренера Равшана Саликжанова.

– Нам интересно заниматься, – говорит Гузеля Рахманкулова. – Новые приёмы самозащиты, растяжка, шпагат, качание пресса – всё это нам нравится. Мы не устаём и всегда готовы приходить на тренировки.

Хочется отметить, что Р. Саликжанов последовательно распределяет нагрузки, учитывая и погодные условия, и физиологию ребёнка, его физическую подготовленность. Если, допустим, четверг является разгрузочным днём (бег,



прыжки, качание пресса), то суббота – это спаринги, а вторник – силовая нагрузка с усиленным темпом.

Остаётся только порадоваться за детей, ведь они тренируются у настоящего тренера и педагога, а также пожелать девочкам удачи и крепкого здоровья.

**А. ПОПОВ.**
**Фото автора.**

Газета муассиси: Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги

Бош муҳаррир Асилбек ХУДАЯРОВ
Нашр учун масъул
Бош муҳаррир ўринбосари
Ибодат СОАТОВА

Газета ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг жума кунлари чиқади. Мақолалар кўчириб босилганда «O`zbekistonda sog`liqni saqlash – Здравоохранение Узбекистана» газетасидан олинди, деб кўрсатилиши шарт.
Интернет саҳифаларидан фойдаланилган суратларга «@» шартли белгиси қўйилади.

Манзилимиз: 100060, Тошкент шаҳри, Истиқбол кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 233-13-22, тел.: 233-57-73. Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2009 йилнинг 11 март куни рўйхатга олинган. Гувоҳнома рақами 0015.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Адади 8590 нусха.
Буюртма Г-259.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Саҳифаловчи Бахтиёр ҚЎШОҚОВ.

Босмахонага топшириш вақти – 20.00.

ISSN 2010-6149 «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана». Сайтимиз: www.uzssgzt.uz Топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5